



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “23” Апрел

№ 84

Toshkent sh.

“Тошкент кислород заводи” ДУК негизда давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 06/1-1547-сон топшириғи, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сон йиғилиш баёни, Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2021 йил 29 мартдаги 7-сон йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 06/1-1547-сон топшириғи, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2020 йил 26 ноябрдаги 54-сон йиғилиш баёни ҳамда Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2021 йил 29 мартдаги 7-сон йиғилиш баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва эксплуатацияси бошқармаси (Б. Бўриев):

2021 йил 26 апрелга қадар “Тошкент кислород заводи” ДУКнинг кадастр ва бино-иншоотга тегишли бошқа ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказсин;

“Тошкент кислород заводи” ДУК фаолияти учун мазкур объектдан зарур миқдордаги хоналар ажратилишини таъминласин;

“Тошкент кислород заводи” ДУКнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳудуддан ташқари қолган бино ва иншоотларини ер майдони билан бирга тегишли ҳужжатлар билан инвестор “Oxygen Tashkent” МЧЖга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериш чораларини кўрсин.

3. “Тошкент кислород заводи” ДУК директори 2021 йил 26 апрелга қадар қорхонанинг балансида мавжуд бўлган асосий воситалар, асбоб-ускуналар, товар-моддий бойликлар ва бошқа буюмларни ўрнатилган тартибда инвентаризациядан ўтказсин.

Инвентаризация натижасига кўра бино-иншоотдан ташқари бошқа асосий воситалар, асбоб-ускуналар, товар-моддий бойликлар ва бошқа буюмларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш, самарали фойдаланиш ҳамда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин.

4. Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Б. Эргашев) “Тошкент кислород заводи” ДУК балансида мавжуд бўлган асосий воситалар, асбоб-ускуналар, товар-моддий бойликлар ва бошқа буюмлар инвентаризация қилиниши амалдаги бухгалтерия қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилишини ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда сотилиши, самарали фойдаланилиши ҳамда ҳисобдан чиқарилишини назорат қилсин.

5. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси (К. Эшназаров) 2021 йил 29 апрелга қадар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан келишилгандан кейин имзолаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбариятига тақдим этсин.

6. Вазир ўринбосари А. Азизов давлат-хусусий шериклик объекти ҳисобланган “Тошкент кислород заводи” ДУК бино-иншоотлари ва бошқа активларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида инвестор “Oxygen Tashkent” МЧЖга ўтказиш юзасидан топшириш ва қабул қилиш комиссиясини ташкил этсин ва инвесторга топширилишини назоратга олсин.

7. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир



А. Хаджибаев